

**Call-1006- СОН**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Тошкент ш.

2022 йил “ 24 ” “ 01 ”

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директори ўринбосари А.Е.Хон (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси номидан \_\_\_\_\_ (Низом, рўйхатга одинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Мурситқичев \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача: 19 725 600,00 (Ўн тўққиз миллион етти юз йигирма беш минг олти юз сўм 00 тийин) сўмни ташкил этиб, ушбу сумма 1 643 800,00 (Бир миллион олти юз қирқ уч минг саккиз юз сўм 00 тийин) сўм миқдоридаги ойлик абонент тўловини ўз ичига олади. Шартнома миқдори ошиб кетган ҳолда, ортиқча миқдори ҳар ойда тўланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий

(электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь оyi) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календарь оyi учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангандир тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг б.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### **4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### **5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### **6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### **7. Яқуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.1. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома

ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

### ОПЕРАТОР:

АК “Ўзбектелеком”  
“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали

Манзил: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 97 А.

Е-mail: [b2b@uztelecom.uz](mailto:b2b@uztelecom.uz)

Банк маълумотлари:

х/р: 2021 0000 5040 7483 8088;

СТИР: 203 366 731;

МФО: 00401; АТБ “Алоқабанк”

Тел: (99) 836-7600;

ҚҚС: 326 030 013 817

Оператор номидан:

  
А.Е.Хон  
/имзо/

М.Ў.

### АБОНЕНТ:

“Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси

Манзил:

Е-mail:

Банк маълумотлари:

х/р:

СТИР:

МФО:

Тел:

ҚҚС:

«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 24 уй  
Х/р: 2021 0000 9052 5070 7001  
АТ «Алоқабанк» Амалиёт бошқармаси  
МФО: 00401 СТИР: 207 322 159 ОКЭД: 84112

Абонент номидан:

  
А.Х.Миртургунов  
/имзо/

М.Ў.

Баж.: М. Миртургунов

Тел.: (99) 836-7587

[m.mirturgunov@uztelecom.uz](mailto:m.mirturgunov@uztelecom.uz)





**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Ойлик абонент тўловлари</b>					
1.1	Республика миқёсида қиска рақамдан фойдаланиш учун абонент тўлови, бир ойда (1242)	829 400,00	125-1/7-сонли нархнома	1	829 400,00
1.2	Интеллектуал рақамдан фойдаланиш учун абонент тўлови, бир ойда (712001242)	50 000,00	125-1/7-сонли нархнома	1	50 000,00
1.3	Рақамли канал – 64 кбит/с	25 480,00	125-1/7-сонли нархнома	30	764 400,00
<b>Жами (олдиндан тўлов)</b>					<b>1 643 800,00</b>

Жами ойлик олдиндан тўлов микдори: 1 643 800,00 (Бир миллион олти юз қирк уч минг саккиз юз сўм 00 тийин) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдориди.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача: 19 725 600,00 (Ўн тўққиз миллион етти юз йигирма беш минг олти юз сўм 00 тийин) сўмни ташкил этиб, ушбу сумма 1 643 800,00 (Бир миллион олти юз қирк уч минг саккиз юз сўм 00 тийин) сўм микдоридаги ойлик абонент тўловини ўз ичига олади. Шартнома микдори ошиб кетган ҳолда, ортиқча микдори ҳар ойда тўланади.

**ОПЕРАТОР:**

**АК “Ўзбектелеком”**

**“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали**

**АБОНЕНТ:**

**“Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси**

Оператор номидан:

Абонент номидан:



А.Е.Хон

М.Ў.



М.Ў.

А.Т. Муҳаммадиев

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил “ \_\_\_\_ ” “ \_\_\_\_\_ ”  
Call-1006 сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди

т/р	Хизматлар рўйхати	Сана	Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси
1.	Республика миқёсида қисқа рақамдан фойдаланиш	« 01 » « 01 » 2022 й.	Бажарилди
2.	Интеллектуал рақамдан фойдаланиш	« 01 » « 01 » 2022 й.	Бажарилди
3.	Рақамли канал	« 01 » « 01 » 2022 й.	Бажарилди

**ОПЕРАТОР:**

АК “Ўзбектелеком”  
“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали

**АБОНЕНТ:**

“Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш  
маркази” давлат муассасаси

Оператор номидан:



А.Е.Хон

М.Ў.

Абонент номидан:



А.Т. Мушарифов

М.Ў.

